

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва нормализацияни асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини ошириш таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар маҳаллий бюджетлар даражасида солиқ-бюджет сиёсатининг устувор вазифалари этиб белгилансин:

биринчи, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириктириб қўйиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш;

иккинчи, вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларини субвенциядан чиқариш,

уларнинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш;

учинчи, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимли асосда қўшимча резервларни аниқлаб бориш;

тўртинчи, депутатлик ва жамоат назоратини кенг жалб қилган ҳолда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

бешинчи, маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объеклари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республи-

каси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманлари (шаҳарлари) халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида:

а) куйидагилар йил чораклари кесимида атрофлича кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

даромадлар манбалари ва харажатлар турлари кесимида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманларининг (шаҳарларининг) маҳаллий бюджетлари параметрлари;

маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, бюджетнинг даромадлар базасини ошириш ва янги иш жойлари барпо этиш бўйича чора-тадбирлар;

қўшимча манбалар, шу жумладан, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш резервларини аниқлаш ҳисобида молиялаштирилаётган харажатлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан боғлаган ҳолда;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, республиканинг тегишли туманларида (шаҳарларида) депутатлик ва жамоат назоратини амалга ошириш

учун юқори турувчи бюджетлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва лойиҳалар маъқулланади;

в) ҳар чорақда: ҳокимнинг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, бюджетнинг даромадлар базасини ошириш ва янги иш ўринлари барпо этиш бўйича;

ҳокимнинг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ва туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг инвестициялар жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича; молия бошқармалари (бўлимлари) раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлари (шаҳарлари) бюджетлари ижроси тўғрисида, шунингдек, ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш ҳамда қўшимча манбалардан фойдаланиш йўналишлари, жумладан, маҳаллий бюджетлар

*Ушбу Фармон 13.12.2017 йилда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ижтимоий аҳамиятли маҳсулотлар импорти учун имтиёзлар узайтирилди

Президентнинг «2017–2018 йиллар қиш-баҳор даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан барқарор таъминлаш тўғрисида»ги қарори (30.11.2017 йилдаги ПҚ–3418-сон) эълон қилинди.

Ҳужжат билан Президентнинг 23.06.2017 йилдаги ПҚ–3082-сон қароридида кўрсатилган божхона имтиёзларининг амал қилиш муддати узайтирилди. Шу тариқа, 2019 йилнинг 1 январига қадар тасдиқланган рўйхатлар бўйича Ички истеъмол бозорида нарх-навои барқарорлаштиришга қўмаклашиш

жамғармаси (Жамғарма) маблағлари ҳисобига импорт қилинадиган ижтимоий аҳамиятли озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилади. Дастлаб имтиёз 2018 йилнинг 1 апрелигача жорий қилинган эди.

Маълумот учун: Божхона кодексининг (БК) 289-моддасига биноан божхона тўловлари деганда божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи божхона йиғимлари тушунилади. Божхона йиғимлари – мазкур қарор доирасида ундириладиган бож тўловларининг ягона тури бўлиб, божхона органлари томонидан БКнинг 291-моддасида кўрсатилган ҳаракатлар ва таомиллар бажарилганлиги учун тўланади. Божхона йиғимлари ставкалари Вазирлар Маҳкамасининг 30.04.1999 йилдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган.

Жамғарманинг маблағлари Молия вазирлиги томонидан қайтариш асосида фойсиз қарз кўринишида тайёрловчи ташкилотларга ажратилади, уларнинг рўйхати Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навои мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси томонидан тасдиқланади. Ажратилган маблағларга етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга (контрактларга) мувофиқ ҳажмларда озиқ-овқат товарлари харид қилинади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 1.12.2017 йилдан кучга кирди.

Ушбу
сонда:

6-БЕТ

Воя етмаганларни
прописка қилишга доир

7-БЕТ

Қорайтирилган ойна –
30%дан ортиқ эмас

8-БЕТ

Суд-иқтисодий экспертиза
ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

даромадларини оширишнинг аниқланган резервлари тўғрисида;

давлат солиқ бошқармаси (инспекцияси) раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва маҳаллий бюджетлар даромадлари бажарилиши ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланган ва амалда тўланганлиги, улар бўйича солиқ қарздорлиги тўғрисида ҳисоботлари тингланади.

3. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига жавобгарлик ва рағбатлантириш чоралари кўрилсин, у қуйидагиларни назарда тутати:

а) солиқ ва молия органлари раҳбарларини уларнинг лавозим маошларидан 50 фоизгача бўлган миқдорда мукофотлаш, шу жумладан:

маҳаллий бюджет даромадларининг тасдиқланган прогнозининг ижро этилгани учун 10 фоиз миқдорда;

бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги қисқартирилгани учун 20 фоиз миқдорда;

маҳаллий бюджет даромадларини

ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилгани учун 20 фоиз миқдорда;

б) юқорида кўрсатилган мезонларнинг ижроси таъминланмагани учун уларнинг лавозим маошларидан 30 фоиз миқдорда жарима санкцияларини қўллаш, шу жумладан:

маҳаллий бюджет прогнози бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорда; маҳаллий бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги оширилгани учун 10 фоиз миқдорда;

маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорда.

Молия ва солиқ органлари раҳбарларини мукофотлаш ҳамда жавобгарлик чораларини қўллаш молия вазири ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг тавсияларига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йилнинг 1 январигача молия ва солиқ органлари раҳбарлари,

мансабдор шахслари бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

маҳаллий бюджет параметрларини бажариш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини сафарбар қилиш, тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилиши, шунингдек, ахборотларни расмий веб-сайтларда ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;

солиқ ва молия органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва жавобгарлигини кучайтириш бўйича мазкур Фармонда ўрнатилган талабларга қатъий риоя этилиши устидан тизимли асосда назоратни амалга оширсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳар чоракда тегишли органлар раҳбарларининг ҳисоботларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш, шу жумладан, мазкур тадбирларни маҳаллий телевидение орқали ёритишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5147-сонли Фармонининг 7-банди ва 4-илоvasи 2018 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 13 декабрь
ПФ-5283-сон.

Махсус турдаги товарлар импорт-экспорти қандай лицензияланади

Вазирлар Маҳкамасининг 1.12.2017 йилдаги 959-сон қарори билан Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Президентнинг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 3 ноябрдаги ПФ-5215-сон Фармонига 1-иловада рўйхати тасдиқланган махсус турдаги товарлар экспорти ва импорти лицензияланади. Шарҳ эълон қилинган пайтда мазкур илова эълон қилинмаган.

Лицензиялар бериш тартиби

Лицензиялар Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятлари, Иқтисодиёт тармоқларини ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти (АТД) томонидан берилади. Шу органнинг ўзи лицензиянинг амал қилишини тўхатиб туриш, тўхатиш, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш масалаларини ҳал этади.

Лицензия махсус турдаги товарларни етказиб бериш бўйича тузилган контрактларни ижро этиш мuddатига, бироқ 1 йилдан ошмайдиган мuddатга берилади. Илгари ТИАИСВ томонидан берилган лицензиялар уларнинг мuddати тугагунгача амал қилади.

Президент ҳужжати ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорининг мавжудлиги лицензия олишнинг мажбурий шarti ҳисобланади.

Лицензияни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

1. Ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахс учун — унинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; жисмоний шахс учун — ФИШ, шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар;

ариза берувчи амалга оширишни мўлжаллаётган фаолият.

2. Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш назарда тутилган тегишли ҳужжати ёки қарорининг нусхаси;

3. Тузилган ҳамда харидор ва сотувчи имзолаган шартноманинг нусхаси.

Товарнинг келиб чиқиш сертификати энди талаб этилмайди. Лицензия бериш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни ишчи орган мустақил равишда бошқа ваколатли органлардан, шу жумладан электрон ҳужжат алмашинуви тизими орқали олади.

УШБУ СОНДА**• УСТУВОРЛИКЛАР**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

1-2-бетлар

• ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этиш 1-2-бетлар

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

— Инвесторларга имтиёзлар
— Ўзбекистонда миграция сервис-марказлари ташкил этилади
— Риэлторлик хизматлари кўрсатиш соҳасида қандай ўзгаришлар кутилмоқда

3-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

— Семинарда кўрсатилган саволлар
— Оғохлантириш мuddати: ҳисоблаш нуктаси
— Бошқа ишга ўтказишдаги синов

— ФХШни бекор қилиш хусусиятлари
— Вактинча раҳбар ўринини босиш

4-5-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

— Доимий прописка
— Паспорт ёки ФБШ гувоҳномаси?
— Қонун кучга кирганда
— Бут сақлашни учун масъул
— Кичиктой учун прописка

6-бет

• АВТОНОРМА

— Бензинда аралашмалар ва сув бўлмаслиги кеврак

— Автоматгаба имтиёзга бор
— Қора ойна ортида
— Узок юриладиган бўлса
— Узокни ёритувчи чироқ билан кўз қамаштирма

7-бет

• КРИМИНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

— Суд-иқтисодий экспертиза: бухгалтерия ҳисоботидаги одатий хатолар

8-бет

Тахририят аниқ хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Инвесторларга имтиёзлар

ҚҲТБТ порталида Инвестиция кодексининг лойиҳаси эълон қилинди.

Лойиҳа билан назарда тутилишича, Инвестиция кодекси Ўзбекистондаги инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар субъектлар тенглиги ва инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг эркинлиги, инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга асосланган.

Давлат томонидан инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун қонун лойиҳаси билан имтиёзлар ва преференциялар назарда тутилган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инвесторга давлат мулк объектларини имтиёзли ёки бепул асосда ўтказиш;
- инвесторга солиқ, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
- инвесторга муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш харажатларини қоплаш;
- инвесторга имтиёзли ставкалар бўйича кредитлар тақдим этиш;
- инвестор томонидан олинadиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидия қилиш.

Бундан ташқари, лойиҳа билан мамлакатимиз Ҳукумати инвесторларга қуйидагиларни тақдим этиши кўзда тутилмоқда:

- капитал қарз пул маблағлари шаклида инвестициявий ссуда (кредит);

➤ *инвестициявий солиқ кредити*, у солиқ мажбуриятини ижро этиш муддатини ўзгартириш шакли ҳисобланади. Солиқ тўловчи-инвестиция фаолияти субъектига кейинчалик кредит суммаси ва фоизларни тўлаш билан фойда солиғи бўйича тўловларни камайтириш имконияти тақдим этилади. Бу кредит инвесторга фойда солиғи бўйича 1 йилдан 5 йилгача тақдим этилади. Инвестор эркин иқтисодий зона иштирокчилари реестрига киритилган тақдирда бундай кредитни тақдим этиш муддати 10 йилгача узайтирилиши мумкин;

➤ бепул ва қайтариш асосида *инвестициявий субсидия*. Инвестициявий субсидия асбоб-ускуналар, машиналар ва дастгоҳлар сотиб олиш ва уларнинг ҚМЙИ учун харажатларнинг 15%гача қоплаш йўли билан тақдим этилади. Инвестициявий субсидияни тўлаш ишлаб чиқариш тўлиқ ҳажмда фойдаланишга топширилгандан кейин, инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилган тақдирда амалга оширилади;

➤ *инвестор визаси* – хорижий инвесторлар учун бошқа турдаги визаларга қараганда муайян афзалликларга эга, яъни: доимий яшаш ҳуқуқи, қисқартирилган муддатларда Ўзбекистон фуқаролигини олиш имконияти, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқа муносабатларнинг барча турлари, типлари ва шакллари учун миллий режимни қўллаш.

Риэлторлик хизматлари кўрсатиш соҳасида қандай ўзгаришлар кутилмоқда

Бу ҳақда ҚҲТБТ порталида тақдим этилган Президентнинг риэлторлик хизматлари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирларига доир Фармони лойиҳасида айтиб ўтилган. Ҳужжатни 2018 йил 1 мартдан амалга киритиш режалаштирилмоқда.

Лицензиялаш ҳаммага ҳам мажбурий бўлмайди, лицензияловчи орган ўзгаради.

Хусусан, риэлторлик фаолиятини лицензиялаш функциясини вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шунингдек Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашига ўтказиш таклиф қилинаётир.

Бунда риэлтор малака сертификатини бериш Давлат рақобат қўмитаси ваколатида қолади.

Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматларини лицензиялаш бекор қилиниши назарда тутилган.

Маълумот учун. Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари – қуйида келтирилганлар каби риэлторлик фаолияти турларидан биридир:

- кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;
- кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;
- кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш.



Лицензия талаби сифатида риэлторлик ташкилотининг устав капитал миқдорига қўйиладиган минимал

талабларни бекор қилиш таклиф қилинмоқда.

Маълумот учун. Ҳозирги вақтда лицензия олиш учун устав капиталининг минимал миқдори риэлторлик ташкилотининг фаолият турига боғлиқ:

- 100 ЭКИХ – ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатишда;
- 500 ЭКИХ – кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;
- 1000 ЭКИХ – кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;
- 3000 ЭКИХ – кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш.

Риэлторлик ташкилотининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш полисининг минимал миқдори ЭКИХнинг 3000 бараварини ташкил этади. Эслатиб ўтамиз, риэлторлик ташкилотлари томонидан фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомга биноан мажбурий ҳисобланади.

Риэлторлик хизматлари кўрсатиш осонлашади

1. Риэлторлик ташкилоти воситачилигида тузилган кўчмас мулк объектлари ва биноларининг 6 ойгача қисқа муддатли ижара шартномаларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни бекор қилиш таклиф қилинмоқда. Риэлтор солиқ органига фақат тузилган шартномалар ва ижара тўлови миқдори тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши зарур бўлади.

2. Риэлторлик ташкилотлари мажбурий 15 фоиз олдидан ҳақ тўламасдан хизматлар кўрсатиши мумкин.

Лойиҳаларга ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки улар рад этилиши мумкин.

Феруз Хайруллаев, Ленера Хикматова, «Norma Online» экспертлари.

Ўзбекистонда миграция сервис-марказлари ташкил этилади

ҚҲТБТ порталида «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Қонун хорижда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларига, шунингдек ташқи миграция жараёнларида иштирок этаётган жисмоний шахслар ва барча мулкчилик шаклидаги юридик шахсларга татбиқ этилади.

Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш билан жўнатувчи ташкилотлар шугулланади:

- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи миграция агентлиги (Агентлик);
- Агентлиқнинг таркибий тузилмалари;

➤ рекрутинг ташкилотлари – Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи ва шу фаолият учун лицензияга эга юридик шахслар. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини лицензияловчи орган этиб белгилаш таклиф этилди. Лицензиянинг тахминий амал қилиш муддати – 3 йил.

Улар хорижда ишлаш хоҳишини билдирган фуқароларнинг хорижий хўжалик юритувчи субъектлар буюртма-номалари бўйича *ташқиллаштирилган тарзда* ишга қабул қилинишини амалга оширади. Жўнатувчи ташкилотнинг хорижий иш берувчи ва ишлашга кетиш истагида бўлган Ўзбекистон фуқароси билан тузадиган ишга жойлаштириш бўйича шартномаси фуқароларни хорижда ишга жўнатиш учун асос бўлади.

Ишга жойлаштиришнинг *якка тартиби*да Ўзбекистон фуқаролари ташқиллаш-

тирилмаган тарзда, мустақил равишда ишга қабул қилинади, бунда албатта Агентлик хабардор қилинади ва зарур ҳужжатлар пакети тақдим этилади.

Лойиҳага кўра ишчи-мигрант:

➤ ташкилий йўсинда ишга қабул қилишда хорижий иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузиши;

➤ ишга жойлашган давлатда ўзининг жойлашган жойи тўғрисида маълумотларни жўнатувчи ташкилотга тақдим этиши;

➤ хорижий иш берувчи билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин 2 ойгача муддатда Ўзбекистонга доимий яшаш жойига қайтиши шарт, башарти бу муддатда у ушбу давлатда янги меҳнат шартномаси тузмаган бўлса ва бошқалар.

Агентлик ҳузурида Ишчи-мигрантларни ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади.

Қуйидагилар унинг асосий вазифалари бўлади:

➤ Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш ва уларни қайтаришда кўмаклашиш;

➤ хорижда ишлаш жараёнида мураккаб ҳолатга тушган ишчи-мигрантларни қўллаб-қувватлаш;

➤ хорижий мамлакатларда Агентлик ваколатхоналарининг, республика минтақаларида филиалларининг, Қорақалпоғистонда, Тошкентда ва вилоятларда кўп функционалли миграция сервис Марказларининг ташкил этилишини молиялаштириш ва бошқалар.

Семинарда кўтарилган саволлар

«Norma» профессионал ривожланиш марказида меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассиси Наталья Клевцова иштирок этди. Энг қизиқарли ва кўп бериладиган саволлар материаллимида келтирилган. Уни тайёрлаш чоғида «Ходимлар билан ҳисоблашиш», «Амалий бухгалтерия» ЭМТдаги айрим тушунтиришлар ва мисоллардан фойдаланилди.

Ходим Давлат бошқаруви академиясида қайта тайёрловдан ўтмоқда. Президентнинг 8.08.2017 йилдаги ПФ-5139-сон Фармони кучга киргандан кейин ўртача ойлик иш ҳақи қандай ҳисоблаб чиқарилади? Ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобига чораклик ва йиллик мукофотлар киритилдими? Агар киритилса, ҳисоб-китобларда улар қандай ҳисобга олиниши лозим?

Т.Р.

– Ходим Давлат бошқаруви академиясида (ДБА) қайта тайёрловдан ўтаётган вақтида асосий иш жойида эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади (МКнинг 165-моддаси; 8.08.2017 йилдаги ПФ-5139-сон Фармоннинг 3-банди).

Бу ҳолда Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибининг (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 6-илова) 5-бандига мувофиқ, ўртача иш ҳақи кейинги 2 календарь ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади. Яъни ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланадиган олдинги даврдаги 2 календарь ой ўртача иш ҳақини аниқлаш учун ҳисоб даври ҳисобланади. Бунда тегишли ойнинг 1-санасидан 30 (31)-санасигача (февралда – 28 (29)-санасигача) бўлган давр календарь ой деб ҳисобланади. Масалан, ходим 2017 йил 10 августдан қайта тайёрлаш курсларига юборилди. Ҳисоб даври июль ва июнь ҳисобланади. Тегишинча, ўртача иш ҳақи ушбу 2 ойдаги тўловларга қараб ҳисоблаб чиқарилади.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга киритиладиган (Солиқ кодексининг 172–175-моддалари) ва суғурта бадаллари ундирилладиган тўловлар ҳисобга олинади.

Ўртача иш ҳақи ҳисоб-китобига моддий наф тарзидаги, мулкӣ ва бошқа даромадларнинг тўланиши (Солиқ кодексининг 176–178-моддалари), шунингдек ходимнинг даромадлари деб тан олинмайдиган корхона харажат-

лари (Солиқ кодексининг 171-моддаси 2-қисми) киритилмайди.

Ҳисоб даврида тўланган ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилган мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар, ҳақлар ҳам ўртача иш ҳақини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим. Бироқ кўрсатилган тўловларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобига киритилиши тартибига доир аниқ, қонуний жиҳатдан белгиланган тавсиялар мавжуд эмас. Шу сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида Ўзбекистоннинг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар собиқ ССР Иттифоқи ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунийлигига зид бўлмаган қисмидаги нормалари қўлланилади (ММнинг 21.12.1995 йилдаги 162-сон қарори 6-банди; ВМнинг 29.04.1992 йилдаги 210-сон қарори 1-банди). Хусусан, ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда ССР Иттифоқи Министрлар Кенгашининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат қўмитаси, ССР Иттифоқи Молия вазирлиги ва ССР Иттифоқи Министрлар Кенгаши ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг 27.04.1973 йилдаги «Саноат ва қурилишда меҳнат ва иш ҳақи ҳисобини юритишга доир асосий қоидалар тўғрисида»ги хати ана шундай ҳужжат ҳисобланади. Хатнинг 56 ва 59-бандларига мувофиқ, ўртача иш ҳақи ишланган кейинги 2 календарь ой ҳисобидан келиб чиқиб аниқланади. Ходимларнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда инobatга оли-

надиган тўловлар (корхонанинг йиллик иш якунларига кўра тўланадиган, амалиётда «13-маош» деб аталадиган ҳақлардан ташқари) иш ҳақи ҳисоб-китоби қайдномасига кўра ушбу тўловлар тўғри келадиган (ҳисобланган) ойдаги иш ҳақида киритилади. Айни шу сабабли мукофотларнинг ўртача иш ҳақи ҳисоб-китобига киритилиши юзасидан барча кейинги тушунтиришлар куйидаги хулосага келиб тақалган: ойлик мукофотлар тегишли ой ҳисоб-китобига киритилади. Давр учун мукофот, масалан, чораклик бўлса, агар

1 ойга тўғри келса – унинг 1/3 қисми ёки 2 ойга тўғри келса – унинг миқдорининг 2/3 қисми ҳисоб-китоб учун олинади. «13-маош» (йиллик иш якунларига кўра тўланадиган ҳақ) ҳисоб давридаги жами иш ҳақида, ҳар бир ой учун 1/12 қисми миқдорида ҳисобга олинади. Ўртача иш ҳақини ҳисоблашда мукофотлар, ҳақлар ва бошқа тўловларни ҳисобга олишнинг келтирилган тартиби меҳнат муносабатлари бўйича расмий органларнинг тушунтиришларига ҳам мувофиқ келади.

1-МИСОЛ. Ходим 2 кунга – 2017 йил 1 ва 2 февралда семинарга юборилган. Корхона ҳафтасига 5 кун ишлайди. Январда ходимга 650 минг сўм миқдорида лавозим маоши ва 2016 йил IV чораги учун 975 минг сўм миқдорида чораклик мукофот ҳисобланган. Ходим 21 иш кунни ишлаган.

Декабрда ходимга 600 минг сўм миқдорида лавозим маоши ҳисобланган. Ходим 21 иш кунни ишлаган.

Чораклик мукофот ҳар ой учун 1/3 қисмда ҳисобга олинади. Ҳисоб даври 2 ойни ташкил этиши сабабли чораклик мукофотнинг 2/3 қисми – 650 000 сўм $(975\ 000 / 3 \times 2)$ ҳисоб-китобга киритилади.

Кейинги 2 календарь ойдаги ўртача кунлик иш ҳақи 45 238 сўмни $((650\ 000 + 650\ 000 + 600\ 000) / 42)$ ташкил этади.

Семинарда бўлган вақт учун ходимга ҳисобланган сумма 90 476 сўмни $(45\ 238 \times 2)$ ташкил этади.

2-МИСОЛ. Ходим 2017 йил 16–20 январда малака ошириш курсларига юборилган. 2016 йил 17 ноябрдан 12 декабргача у 21 кун таътилда бўлган. Ходимнинг лавозим маоши – 600 минг сўм.

2016 йил декабрда ходимга куйидагилар ҳисобланган: лавозим маоши – 400 минг сўм, III чорак учун мукофот – 150 минг сўм, бир ўйла тўланадиган мукофот – 200 минг сўм. Декабрда жадвал бўйича 21 иш кунни, ходим 14 кун ишлаган.

Ноябрда ходимга куйидагилар ҳисобланган: лавозим маоши – 327,273 минг сўм, таътил пули (асосий ва қўшимча таътиллари) – 578,74 минг сўм, таътилга қўшимча тўлов – 250 минг сўм, оила кургани муносабати билан моддий ёрдам – 500 минг сўм. Ноябрьда жадвал бўйича 22 иш кунни, ходим 12 кун ишлаган.

Ходим никоҳдан ўтиши муносабати билан тўланган моддий ёрдам бошқа даромадларга қиради (Солиқ кодексининг 178-моддаси 16-банди), унга суғурта бадаллари солинмайди ва ўртача иш ҳақини ҳисоблашда инobatга олинмайди. Ҳисоб даврида ходимга тўланган қолган тўловлар ўртача иш ҳақи ҳисоб-китобига киритилади.

Ўртача кунлик иш ҳақи 43,163 минг сўмни $((400 + 100 + 200 + 327,273 + 578,74 + 250) / 43)$ ташкил этади.

Курслардан ўтган 5 кунни учун ходимга 215,815 минг сўм тўланади.

3-МИСОЛ. Ходим 3 ойлик малака ошириш курсларига юборилган. Ҳисоб даврида лавозим маоши 770 минг сўмни ташкил этган, юбилей муносабати билан моддий ёрдам – 500 минг сўм ҳам тўланган. Юбилей муносабати билан тўланган моддий ёрдамни ҳисобга олган ҳолда лавозим маошидан келиб чиқилса, ўртача ойлик иш ҳақи 1 020 минг сўмни $((770 + 770 + 500) / 2)$ ташкил этади. Ходимга курсларда ўқибётган 3 ой давомида ҳар ойда ушбу иш ҳақи ҳисобланади.

ДБАда қайта тайёрловдан ўтаётган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи Президентнинг Фармонида биноан оширилганда, уни қайта ҳисоблаш лозимми?

О.М.

– Тариф ставкалари, лавозим маошлари оширилганда ўртача ойлик иш ҳақини қайта ҳисоблаш ҳолатлари 133-сон Тартибнинг 6-бандида

белгиланган. Ходим меҳнат таътилида бўлганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, 2 ойгача бўлган муддатда иш қидириш (меҳ-

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталланган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Шаҳар марказидаги нотураж жой офис учун ижарага топширилади, мебелли билан. Т. (+99890) 956-44-35.

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»



Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробол тумани Га.Гимаржон кў. 144
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

нат бўйича маҳаллий орган томонидан берилган маълумотномага мувофиқ 3 ой), шунингдек, касаллик даври ана шундай ҳоллар ҳисобланади. Меҳнатга ҳақ тўлашининг янги шартларидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисобланади.

Шу тариқа, **ҳодимнинг ДБАда қайта тайёрловдан ўтган вақти учун ўртача ойлик иш ҳақини қайта ҳисоблаш керак эмас.**

Ходима ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин 5 ой ўтгач бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақаси тўланишини сўраб мурожаат қилди. Корхона – ҳўжалик ҳисобида. У мазкур 5 ой учун нафақа тўлаши керакми?

С.П.

– Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кунидан олдин бўлмаган муддатдан онага (она ўрнини босувчи шахсларга) тайинланади (АВ томонидан 14.03.2002 йилда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом). Низомда ходима ўз хоҳишига кўра болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинланишини сўраб ўз вақтида мурожаат қилмаганда у ўтган давр учун тўланиши керак деган шарт назарда тутилмаган.

Шу тариқа, аёл ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаши билан болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинланишини сўраб дарҳол мурожаат қилмаган бўлса, унга нафақа мурожаат қилган ойдан бошлаб тайинланади.

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақасини тайинлаш ҳақида иш берувчининг ўзи қарор қабул қиладиган бўлса, уни тўлашни рад этиши мумкинми?

Н.М.

– Иш берувчи бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун нафақа тўлашни рад этишга ҳақли эмас, сабаби унинг тўланиши МКнинг 234-моддаси бўйича кафолатланган. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлларнинг хоҳишига кўра, уларга бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Бу даврда уларнинг иш жойи (лавозими) сақланади, таътил даври эса меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Ишлаётган оналарга болани 2 ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби юқорида кўрсатилган Низом билан белгиланган.

«Norma Ekspert» мутахассислари тайёрладилар.

Огоҳлантириш муддати: ҳисоблаш нуқтаси

Ходим сменали иш вақти режимида ишласа, ишдан бўшатиш чоғида 2 ҳафталик муддат қандай ҳисоблаб чиқарилади – календарь ёки иш сменаларининг 2 ҳафтасими?

Л.Е.

– Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантиришнинг икки ҳафталик муддати, у иш вақтининг қандай режимида ишлашидан қатъи назар, барча ходимлар учун белгиланган.

Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, 2 ҳафта олдин иш берув-

чини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт (МКнинг 99-моддаси 1-қисми).

Меҳнат кодекси меҳнат ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши билан боғлайдиган



муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календарь куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Башарти муддатнинг сўнгги кун ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш кунини муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади (МКнинг 13-моддаси).

Вақтинча раҳбар ўрнини босиш

Директоримиз зудлик билан қариндошларининг ҳузурига бориш учун таътилга чиқиб кетди.

Корхонанинг молиявий-иқтисодий бошқармаси бошлигини қанча муддатга вақтинча бўлмаган директор мажбуриятларини бажарувчи этиб тайинлаш мумкин?

О.Е.

– Доимий иш каби, вақтинча бошқа ишга ўтказишга ҳам фақат ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича йўл қўйилади. Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт (МКнинг 93-моддаси).

Шу муносабат билан сизнинг ҳолатда МКнинг 93-моддаси нормаларидан фойдаланиш ҳамда вақтинча бўлмаган директор ўрнини босиш учун вақтинча бошқа ишга ўтказишни расмийлаштириш зарур. Расмийлаштирилган буйруқда у директор ишга чиққунча бошқа ишга ўтказилишини қайд этиш лозим.



Бошқа ишга ўтказишдаги синов

Корхона қайта ташкил этилиши муносабати билан бошқа лавозимга ўтказилдим. Менга ўтказиш чоғида синов муддати тайинлаган иш берувчи ҳақлими?

А.В.

– Йўқ, у ноҳақ.

Ходим бир лавозимдан бошқа доимий ишга ўтказилганда синов муддати белгиланмайди. Фақат меҳнат шартномаси тузилаётганда ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш мақсадида синов белгиланади (МКнинг 84-моддаси).

ФҲШни бекор қилиш хусусиятлари

Мен фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани тузиб, ишга кирдим. 1 ҳафта ишлагач, бу иш менга тўғри келмаслигини тушундим ва ишдан бўшашга қарор қилдим. Айтишларича, 2 ҳафта ишлаб беришим керак экан. Мен 2 ҳафта ишлаб беришга мажбурманми?

А.Ф.

– Йўқ, мажбур эмассиз.

Меҳнат шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномадан тубдан фарқ қилади, сабаби уларга доир муносабатлар турли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат шартномаси тузган фуқаро меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таъсири остига тушади. Ички меҳнат тартибига бўйсунуши билан бир қаторда унга тегишли ижтимоий кафолатлар тақдим этилиши шарт (МКнинг IV, VI–X ва бошқа боблари).

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома-лар бўйича ишловчи шахслар ушбу



кафолатлардан фойдаланмайдилар. Ижрочи корхонада белгиланган тартибга бўйсунмайди, балки ишни ўзи ташкиллаштиради, уни ўз таваккалчилигига таяниб бажаради, меҳнат муҳофазасини таъминлайди.

ФКнинг 37-«Пудрат» ва 38-«Пулли хизматлар кўрсатиш» боблари билан тартибга солинадиган шартномавий муносабатларни ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар сирасига киритиш лозим.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича хизматлар кўрсатган тақдирда меҳнат муносабатларига киришмайсиз ва, тегишинча, ҳеч қандай ишдан бўшатиш ва ишлаб беришга ҳожат йўқ. Сиз шартномани бекор қиласиз, холос. Буюртмачи бажарилган ишлар далолатномасига кўра хизматларингиз учун шартномада белгиланган миқдорда ҳақ тўлайди.

Абдусалом Рискүллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz



Доимий прописка

Бир неча йил аввал ота-онамнинг уйидаги пропискадан чиқиб, Россияга кетганман. Ҳозир қайтиб келиб, вақтинча прописка бўйича яшайман. Паспортимни алмаштириш пайти етганда савол юзага келди: яна доимий пропискадан ўтишим шартми ёки вақтинча прописка бўйича паспорт олсам бўладими?

С.Яцкой. Чирчиқ ш.

— Биометрик паспорт фуқаронинг доимий яшаш ва доимий прописка қилинган жойи бўйича берилади. Шу муносабат билан паспорт олиш учун хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимасига (ХЧКваФРБ) мурожаат қилишингиз ва ота-онангизнинг уйида доимий пропискадан ўтишингиз зарур (Низом, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Паспорт ёки ФБШ гувоҳномаси?

Танишим собиқ Иттифоқ паспортини алмаштириш учун 1998 йилда топширган, бироқ муайян сабабларга кўра уни «яшил» паспортга алмаштира олмаган. Ҳозир керакли маълумотномаларни тўплади, таржимаи ҳоли, тушунтириш хати (қандай сабабга кўра ўз вақтида паспорт олмагани ҳақидаги) ва ИИББ бошлиғи номига ариза ёзди, жарима ва биометрик паспорт берганлик учун давлат божини тўлади. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирган пайтда Ўзбекистонда доимий пропискага эга бўлган (16-сон шакл бунга тасдиқлайди). Бироқ паспорт столидагиларнинг айтишича, ҳужжатлар Тошкентда текширувдан ўтказилиши ва унинг натижаларига кўра масала ҳал этилиши (биопаспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга бўлганидек гувоҳнома бериш) керак экан.

Ўзбекистон фуқаросининг паспортни ўрнига ФБШ гувоҳномасини беришга ҳақлимилар, бу қанча вақт олиши мумкин?

Л.Раҳимова. Тошкент ш.

— Танишингизда «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун (2.07.1992 йилдаги 632-ХII-сон) кучга кирган пайтда у ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда яшаганлиги ва доимий пропискага эга бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлса, у Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади ва мажбурий

тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини олиши шарт.

Бироқ танишингиз шу пайтгача собиқ Иттифоқ паспортни бўйича яшаб келган бўлса, Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг мавжудлиги билан белгиланиши керак. Шу муносабат билан ХЧКваФРБ ходимлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини аниқлаш таомилини ўтказишга ҳамда бошқа давлат фуқаролигига мансублигини текширишга, шунингдек ЎЗР ИИБ ва ТИВ орқали бошқа мамлакатлар

миграция идоралари ва элчихоналарига сўровнома-лар йўллашга ҳақли. Шу сабабли текширув ноаниқ мuddатга чўзилиши мумкин.

Унинг натижаларига кўра ХЧКваФРБ ходимлари Ўзбекистон фуқаролигига мансублигини аниқлаш тўғрисида хулоса чиқарадилар. Бошқа давлат фуқароси эканлиги аниқланганда танишингизга чет эл фуқароси учун яшаш гувоҳномаси берилиши мумкин. Ҳеч қандай фуқаролиги бўлмаганда унга Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини беришлари керак.

Қонун кучга кирганда

Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганман. 39 йиллик ҳаётим давомида ҳеч қачонга чиқмаганман. Паспортимни амал қилиш мuddати тугаши муносабати билан биометрик паспортга алмаштираётганимда паспорт столи бошлиғи онамда ФБШ (фуқаролиги бўлмаган шахс) гувоҳномаси бўлганлиги учун менга ҳам худди шундай ҳужжат беришини айтди. Шу тўғрими?

Н.Р. Тошкент ш.

— Йўқ, тўғри эмас.



Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублик кўрсатилган Қонун кучга кирган пайтда (1992 йил 2 июль) доимий яшаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт, уни олгунча эса — туғилганлик тўғрисида гувоҳномаси мавжуд бўлганлиги билан аниқланади. Онангизда ФБШ гувоҳномаси борлигининг сизга ҳеч қандай дахли йўқ, сабаби Қонун кучга кирган пайтда туғилган жойингиз ва доимий пропискангизга кўра илгари олинган паспортга биноан ҳақиқатда республика фуқароси бўлгансиз.

Кўрсатилган далил-исботлар ХЧКваФРБ ходимлари учун етарли эмасдек туюлиб, сизга биометрик паспорт беришни рад этсалар, Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига мурожаат қилишга ҳақлисиз, у ерда паспорт тизими ва фуқаролик масалалари юзасидан ҳар куни фуқаролар қабул қилинади.

Бут сақланиш учун масъул

Пропискани расмийлаштириш чоғида паспортистканинг талабига кўра қуйидаги ҳужжатлар пакетини топширдим: ТИБдан олинган уй режасининг асл ва кўчирма нусхаси, паспорт ва ҳ.к. Бунда уй режасининг асл нусхасини олиб қўйдилар. Бу қонун ҳужжатларига мувофиқ келади?

П.И.

— Фуқаро кўзда тутилаётган яшаш жойи бўйича доимий прописка қилиниши учун қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

- белгиланган шаклдаги ариза;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорт;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган, ота-оналари, васийлари ёки ҳомийларидан алоҳида яшовчи шахслар учун);
- турар жой учун ҳужжатлар;

➢ давлат божни тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 4-банди).



16 ёшга тўлмаган, ота-оналари (васийлари, ҳомийлари) билан бирга яшайдиган болаларни қайд этиш туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар бўйича, улар тўғрисидаги маълумотларни уй дафтарларига (қайд этиш варақчаларига) киритиш йўли билан амалга оширилади (Низомнинг 40-банди).

Сиздан ҳужжатларни қабул қилган паспорт столи ходими уларнинг бут сақланиши учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Кичкинтой учун прописка

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати 11-бандига асосан 2012 йил июлда Тошкентда прописка қилинганман. Прописка қилинаётганимда 3 ой аввал туғилган ўғлимни прописка қилиш учун ҳужжатларни тақдим этмаганман. Энди чет элга чиқиш учун бола прописка қилиниши кераклиги маълум бўлди, Рўйхатнинг 11-бандига кўра эса қариндошларимни ўзимга амалга оширилади. Вояга етмаганлар прописка қилинган кунимдан 3 йил ўтишини кутмай, ўғлимни прописка қилдиришим мумкинми?

Р.Е.

— Бошқа минтақалардан келган вояга етмаганларни доимий прописка қилиш улар қайд қилинган ота-оналарининг жўнаб кетиш варақаларининг нусхаси асосида, ота-оналарисиз келган ҳолларда эса доимий прописка қилиш аввалги яшаш жойидаги ИИО томонидан туғилганлик ҳақида гувоҳнома асосида берилган жўнаб кетиш варақаси асосида амалга оширилади. Вояга етмаганлар қайд қилинмаган ёки доимий прописка қилинмаган ҳолларда аввалги яшаш жойи бўйича ТШИИБ ХЧКваФРБнинг ушбу фактни тасдиқловчи маълумотномаси асосида прописка қилинади (Йўриқноманинг 27-банди).

Болангиз Тошкентда туғилган бўлса, яшаш жойингиздаги паспорт столига мурожаат қилиб, Тошкент шаҳрида берилган туғилганлик ҳақида гувоҳномани тақдим этишингиз зарур. Бу ҳолда ходимлар уни прописка қилишлари ва аризангизга кўра бола учун биометрик паспортни расмийлаштира бошлашлари шарт.

Болангиз аввалги яшаш жойида туғилган бўлса, аввалги яшаш жойидаги ХЧКваФРБга мурожаат қилишингиз лозим, у ерда болангизнинг манзилли жўнаб кетиш варақасини ёки прописканидан чиқарилганлиги тўғрисида маълумотномани беришлари керак. Улар асосида ҳозирги яшаш жойингиздаги ХЧКваФРБ мурожаат қиласиз, болани прописка қилишлари шарт, шундан кейин унинг биометрик паспортини расмийлаштиришга киришингиз зарур.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma Online» эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Бензинда аралашмалар ва сув бўлмаслиги керак

Вазирлар Маҳкамасининг 21.11.2017 йилдаги 931-сон қарори билан Автомобиль ва авиация бензинига, дизель ва кема ёнилгисига, реактив двигателлар учун ёнилгига ва мазутга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги умумий техник регламент тасдиқланди.

Хужжатга кўра, фақат аралашмаларсиз тоза ёнилги хавфсиз ҳисобланади. Бу эса қуйидагиларни аниқлатади:

➤ **автомобиль бензини** металл сақловчи присадкалар* (марганец, кўргош, темир) ва сув сақламаслиги керак. Бўёқдан (авиабензинда ишлатиладиган яшил ва қизил рангдан ташқари) ва белгиловчи моддалардан фойдаланишга йўл қўйиладиган;

➤ **дизель ёнилгисига** металл сақловчи присадка қўлланилишига йўл қўйилмайди (антистатикдан ташқари);

➤ **реактив двигателлар учун ёнилгида** юзага фаол таъсир кўрсатувчи ва бошқа кимёвий моддаларнинг унинг хусусиятларини ёмонлаштирадиган микдорда бўлмаслиги даркор.

Ёнилгининг экологик ва ёнғин хавфсизлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги масалаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш

орқали таъминланади. Техник регламентда ёнилгини маркировка қилиш, ташиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар акс эттирилган.

Ёнилгини идентификациялаш ва хавфсизлик кўрсаткичларига мувофиқлигини аниқлашни қуйидагилар ўтказиши даркор:

➤ ёнилгини муомалага чиқарувчи ишлаб чиқарувчи;

➤ сертификатлаштириш органи – ёнилгининг мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида;

➤ назорат органи – мамлакатда муомалада бўлган маҳсулотнинг Техник регламент талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида.

Қабул қилинган техник регламентнинг талаблари давлат мудофаа буюртмаси бўйича ётказиб бериладиган ёки мамлакат орқали транзит билан ўтказиладиган ёнилгига татбиқ этилмайди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 23.11.2017 йилдан қуча кирган. Умумий техник регламент расмий эълон қилинганидан эътиборан 6 ой ўтган – 24.05.2018 йилдан қуча киради.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

*Присадка – ёнилгига унинг фойдаланиш хусусиятларини яхшилаш мақсадида қўшилиладиган модда.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Автоматкабга имтиёз бор

Бизнинг умумбелгиланган солиқларни тўловчи ташкилотимиз ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолияти билан шуғулланади. Ходимлар сони 43 нафарни ташкил этади. Президентнинг 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорининг 26-бандига асосан Президентнинг 17.04.2006 йилдаги ПҚ-325-сон қарорининг 7-бандида 35-иловага мувофиқ рўйхат бўйича хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилган. ПҚ-325-сон қарорда назарда тутилган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзи бизнинг корхонамизга татбиқ этилади.

О.Темиров,
ўқув корхонаси бош бухгалтер.

– Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарорининг 26-бандига асосан Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» ги қарорининг (17.04.2006 йилдаги ПҚ-325-сон) 7-бандида 35-иловага мувофиқ рўйхат бўйича хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилган. Башарти имтиёзлар назарда тутилган хизматлар турларини кўрсатишдан тушум умумий тушум ҳаж-



мининг 80%и ва ундан ортигини ташкил этса, мазкур имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилади.

Хусусан, юқорида қайд этилган солиқ имтиёзи татбиқ этиладиган Рўйхатнинг таркибига таълим соҳасидаги хизмат-

лар киритилган.

Демак, Президентимизнинг 17.04.2006 йилдаги ПҚ-325-сон қарорига асосан автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш мактаблари 2020 йил 1 январгача фойда солиғини тўлашдан озод қилинади.

Ғулломжон Тўлаганов,
«Norma Online» етакчи эксперти.

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА таълим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўча 14-Д. Тел.: (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web3.www.norma.uz

ЎЭР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг маълумотларига кўра, декабрнинг биринчи ҳафтасида йўл-патруль хизмати инспекторлари ЙХҚнинг 86 189 марта бузилиши ҳолатларини аниқладилар. Хусусан, маст ҳолда автомобиль бошқаришнинг 1 900 ҳолати, чорраҳа бўйлаб ва светофор сигналларида нотўғри ўтишнинг 1 338 ҳолати, 13 000 нафар ҳайдовчининг йўловчиларни ташиш ҳодаларини бузиши ҳолатлари қайд этилди. Барча далиллар бўйича қоидабузарларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, жарималар қўлланди.

ЙХҚНИ ЁДГА СОЛАМИЗ

Қора ойна ортида

Автомобилда қорайтирилган ойналардан фойдаланишга рухсат этиладими?

– Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақкиловчи шартларнинг (ЙХҚга 3-илова, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова) 7.4-банди талабларига мувофиқ, барча транспорт воситасининг олд, ён ва орқа ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 70%дан кам бўлишига рухсат берилмайди (автомобилнинг томидаги люк ойнаси бундан мустасно).

М3 тоифанинг III классидagi автотранспорт воситаларининг икки ёнига орқа томон кўринишини таъминлайдиган ташқи кўзгۇ ўрнатилган бўлса, орқа ва ён ойналарига парда, жалюзи ўрнатишга рухсат этилади*.



*М1 ва М3 тоифаларига йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўринидиган ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ошмайдиган ва 8 тадан ортиқ бўлган автотранспорт воситалари киради. М3 тоифасидаги автотранспортнинг энг катта вазни 5 т дан кўп бўлади.

Класс III конструкцияси фақат ўтириб кетадиган йўловчилар учун мулжалланган автотранспорт воситаларини ўз ичига олади.

Узоқ юриладиган бўлса

Пиёдалар ўтиш жойига узоқ юриш керак бўлса, йўлни кесиб ўтиш мумкинми?

– Пиёдалар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан, шунингдек ер ости ва ер усти ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиқлари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтишлари керак.

Пиёдаларга кўринадиган ораликда ўтиш жойи ёки чорраҳа бўлмаса, ажратувчи булакисиз ва тўсиқсиз йўللاردан йўлнинг икки томони яхши кўринадиган жойидан, қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида кесиб ўтишларига рухсат этилади (ЙХҚнинг 17-банди).

Узоқни ёритувчи чироқ билан кўз қамаштирманг

Қандай ҳолларда яқинни ёритувчи чироқдан фойдаланилади?

– Қуйидаги ҳолларда яқинни ёритувчи чироқлар ёқиши керак:

- аҳоли яшаш жойларида йўл ёритилган бўлса;
- қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситасига камида 150 метр масофа қолганда, шунингдек ҳайдовчи транспорт воситасининг чироқларини вақти-вақти билан ўчириб бунга зарурият борлигини билдирган ҳолларда ундан ҳам кўпроқ масофада;
- қарама-қарши ва бир йўналишдаги транспорт воситалари ҳайдовчиларининг кўзини қамаштириши мумкин бўлган бошқа барча ҳолатларда.



Кўзи қамашган ҳайдовчи авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезлики камайтириши ва тўхташи керак (ЙХҚнинг 135-банди).

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Иқтисодий жиноят — ҳар қандай давлат иқтисодиёти учун катта муаммо, чунки у жуда йирик моддий зарар келтиради. Ички ишлар органлари иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш чора-тадбирларини кўриб боради. Бироқ жиноят ишини кўзга тушириш пайтида қилмишни тўғри баҳолашга доир қийинчиликлар юзага келади.

Суд-иқтисодий экспертиза: бухгалтерия ҳисоботидаги одатий хатолар

Иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда жиноий фаолиятни тергов қилиш жараёнида ҳужжатлаштиришни лозим даражада ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Бундай ҳужжатлаштиришни амалга ошириш чоғида солиқ ва бошқа назорат қилиш органлари, шунингдек суд экспертизаси муассасалари мутахассисларининг иштирокисиз иш битмайди. Мазкур муассаса ходимлари эгаллаган махсус билим ва маҳоратлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг келиб чиқиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни малакали тадқиқ қилиш учун ҳолисона асосни ташкил этади. Кўрсатилган жиноятларни аниқлашда суд-иқтисодий экспертизанинг турли усулларидан кенг фойдаланилади.

Экспертиза ўтказиш жараёнида ҳужжалик юритувчи субъектлар ишидаги суниестемолчиликларни фош этиш имконини берадиган бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва маълумотларини ўрганишнинг усул ва йўлларида фойдаланилади. Мисол учун, ҳужжатли текшириш усули арифметик усул, норматив текшириш, солиштириш, муқобил текшириш, назорат солиштируви, муфассал ҳисоб-китобдан иборат.

Иқтисодий жиноятни аниқлаш учун суд-иқтисодий экспертизанинг усул ва йўлларида комплекс тарзда фойдаланилади. Улар алоҳида долзарблик касб этади, чунки бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида молиялаштириш, нарх белгилаш, тадбиркорлик, банк, ташқи иқтисодий фаолият ва солиқ солиш соҳасида суниестемолчиликлар анча кенг тарқалган.

Суд-иқтисодий экспертизаси асосий мақсади — ҳақиқатни аниқлашга эришиш имкониятини таъминлаш керак экан, бундан фўқаролик, маъмурий ва

иқтисодий соҳаларда суд ишини юритишда ҳам, жиноий ишларни тергов қилиш, судда кўриб чиқишда ҳам амалга оширади.

Ҳозирги иқтисодий экспертиза олдида: нафақат камомат, қўшиб ёзиш ва зарарларнинг миқдорий ва қиймат баҳоси, балки ҳужжалик операциясини (ёки умуман фаолиятни) асосланганлик, самарадорлик, меъёрий-ҳуқуқий қонун ҳужжатларига мувофиқлиги меъзонлари бўйича баҳолашдек мураккаб вазифалар қўйилмоқда. Жиноятни тергов қилиш, фўқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд ишини юритиш доирасида фойдаланиладиган суд-иқтисодий экспертизаси ёрдамида янги фактик маълумотлар аниқланмоқда. Суд экспертизаси ёрдамида иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида олинган ҳулосадан фақат тадбиркорлик фаолиятининг муайян ҳолатини аниқлаш учунгина эмас, балки иқтисодий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ҳам фойдаланиш керак.

Эксперт амалиётининг таҳлили хом ашё, материаллар, пул ва бошқа қимматликларни талон-торож қилиш мақсадида фойдаланиладиган ҳисоб маълумотларини бузиб кўрсатишнинг асосий усулларини аниқлаш имконини беради. Экспертлар кўпроқ қандай ҳуқуқбузарликларга тўқнаш келадилар? Булар:

➤ зарур реквизитларнинг йўқлиги ва бирламчи ҳужжатлардаги тузатишлар;

➤ бирламчи ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг бошқа нусхаларидаги, шунингдек бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотларнинг мос тушмаслиги;

➤ якуний дебет ва кредит оборотларининг мувофиқ келмаслиги;

➤ бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида (бошланғич, шу жумладан чиқим ҳужжатларида) ташкилот муҳрлари (штамплари)нинг йўқлиги (уларнинг бўлиши мажбурий бўлган ҳолларда).

Ана шу ҳуқуқбузарликларнинг ҳаммаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низом, бошқа қонуности ҳужжатларининг талабларига зиддир.

Эксперт амалиёти инвентарлашни ўтказишда йўл қўйладиган ҳуқуқбузарликларни ҳам очиб ташлайди.

Инвентарлаш нафақат бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ҳаққонийлигини оширишда муҳим роль ўйнайди, балки қорхоналарнинг мол-мулки сақланишини назорат қилишда аҳамиятли дастакдир.

Чунончи, ҳужжалик юритувчи субъектлар ўтказадиган инвентарлаш чоғида энг кўп содир этиладиган суниестемолчиликларга экспертлар қўйидагиларни киритадилар:

➤ ишлаб чиқариш мутахассисларини инвентарлаш комиссияларининг ишига жалб этмаслик, бу эса инвентарлаш сифатини пасайтиради;

➤ инвентарлаш жараёнида қимматликларни асосиз равишда қабул қилиш ва бериш;

➤ инвентарлаш қайдономларида етишмайдиган материалларни қўшиб ёзиш;

➤ илгари ҳисобга олинган

материалларни инвентарлаш комиссиясига топшириш;

➤ бошқа ташкилотлардан қарзга олинган қимматликларни тақдим этиш;

➤ бошқа ташкилотларга қимматликларни беришга товарсиз юхатларни тақдим этиш.

Агар ўзаро боғланган бир неча моддий жавобгар шахсларда умумий инвентарлаш ўтказилса, ҳисоб даври бошланиши ва охирида бир хил номдаги материаллар қолдиқлари тўғрисидаги ёзувлар, шунингдек бир тавсифнинг турли нусхалари солиштирилса, тилга олинган қўшиб ёзишларни аниқлаш мумкин.

Саналган аломатлардан ташқари, қўйидаги суниестемолчиликлар бўлиши мумкин:

➤ саҳифаларда саналган қимматликлар миқдорининг комиссия томонидан яқунда кўрсатилган миқдорга мувофиқ келмаслиги;

➤ инвентарлаш рўйхатларида моддий жавобгар шахсларнинг барча ҳужжатлар комиссияга тақдим этилганлиги тўғрисида имзоларининг бўлмаслиги;

➤ моддий қимматликлар уларга топширилганлиги тўғрисида шахсларнинг имзолари йўқлиги.

Кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, шунингдек 19-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» талабларига, иқтисодий соҳани тартибга соладиган бошқа қонуности ҳужжатларига зиддир.

Кўп учрайдиган бундай хато ва ҳуқуқбузарликларнинг рўйхатини эксперт ўзининг эксперт иши тажрибасидан келиб чиқиб, мустақил равишда кенгайтириши мумкин.

Насиба Мўминова,
ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси маркази Суд-иқтисодий экспертизаси бўлимининг катта эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашри — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўроз бичими — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма r-1292. Адади 1 070. Газета 2017 йил 18 декабрь соат 14.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарини электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;

Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

12345